



Schweizerische Eidgenossenschaft
Confédération suisse
Confederazione Svizzera
Confederaziun svizra



IWMI
International
Water Management
Institute



**МАРКАЗИЙ ОСИЁДА ДАЛА ШАРОИТИДА ЕРНИ ВА СУВНИ
САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЛОЙИХАСИ**

ҒАЛЛА ЗАРАРКУНАНДАЛАРИ, КАСАЛЛИКЛАРИ ВА БЕГОНА ЎТЛАРИГА ҚАРШИ КУРАШ



ФАРҒОНА

Зарарли хасва
(Eurygaster integriceps)

- Зарарли хасва Республикамиз буғдойзорларида хозирги кунда барча вилоятларда тарқалган.
- Зарарли хасва бир йилда битта авлод бериб ривожланади.
- Буғдойга дон пайдо бўлаётганда катта ёшдаги ва қанотли хасвалар катта зарар етказиши мумкин. Хасва озиқланаётганда чиқарган ферментлари буғдойдаги оксил ва углевод парчалаб юборади, оксибатда ундан олинган уннинг нон ёпиш ва озиқ сифати ёмонлашади. Ҳосилдорлик 30-40 % га камаяди.



Зарарли хасва



Тўхуми

**Буғдой трипси
(*Haplothrips tritici*)**

Буғдой трипсини ёппасига учиб чиқиши буғдойни бошоқлаш даврига тўғри келиб, бу даврда ўсимликка катта зарар етказди. Буғдой трипси айрим ҳолларда бошоқда шунчалик кўп учрайдики, унинг кўплигидан бошоқ қора тусга кириб қолади. Трипсининг учиши бир ойдан кўп давом этади. Йилига бир марта авлод бериб ривожланади



Вояга етган трипс



Личинкаси



Зарари

**Шилимшик курт
(*Lema melonopus*)**

- Қўнғизлари бугдой баргини кемириб, узунчоқ тешикчалар ҳосил қилади, айрим пайтларда барглар қуриб қолиб, ўсимликнинг фотосинтез процесси бузилади.
- Қурғоқчилик йиллари пъявица ҳосилга кучли салбий таъсир кўрсатади, ҳосилнинг ярми йўқотилиши мумкин.



Қўнғизи



Личинкаси



Зарари

Ғалла шираси
(Schizaphis graminum)

Ширалар экинлар баргларини сўриши натижасида ўсимлик заифлашади, яхши ўсмайди, дон тугишдан орқада қолади. Ўсимликнинг дони кўпинча пуч бўлиб қолади, барглари сўлиб сарғаяди. Ғалла битлари жуда кенг тарқалган бўлиб, улар республикамизнинг барча ҳудудларида учрайди.



Вояга етган ғалла шираси



Личинкаси

КУРАШ ЧОРАЛАРИ

- эрта баҳорда хасва қишлаб чиқадиган жойлар мутахасисслар иштирокида аниқланади, унинг зичлиги ҳисоб қилинади.
- ғалла даласидаги ва четидаги бегона ўтлар йўқотилади, увватлардаги, дала четидаги қуриган хас ва ўтлар йиғиштирилиб ёқиб ташланади.
- ғалла майдонларида мунтазам кузатув ишлари олиб борилиб, агарда бўғдой тўпланиш даврида 1 м квадратда 2-3 та, ҳосил туғиш даврида 5 тагача хасва бўлса шунингдек, шилимшиққурт, бўғдой трипси, бўғдой шираларига қарши Давлат кимё комиссияси томонидан руҳсат этилган кимёвий препаратлар ёрдамида ишловлар ўтказиш.
- ўримда ғалла майдоннинг четини 15-20 м масофада қуриб кейин ичкарига ўтиш мақсадга мувофиқдир. Чунки бу ерларда хасва, трипслар, битлар каби ҳашаротлар кўпроқ учраб ўсимликни кучли зарарлайди;
- бундай ёндашув тамаки трипсининг ғўза майдонларига кўчиб ўтишини ҳам олдини олади

Ғалла касалликлари




Ун-шүдринг

- Касаллик ҳосилнинг 2-3% дан 20-25% гача нобуд қилади.
- Ўсимликларнинг баргларида оқ пахтасимон доғ қатлами ҳосил қилиш билан бошланади. Сўнгра қатлам қалинлашиб, кул ранг ёки сарғиш-кулранг, бўртиб чиққан ёстиқчалар тусига киради.

Қаттиқ қора куя ва чанг қоракуя

Касаллик белгилари: дон ўрнига қора-куя споралари билан тўлган халтачалар ҳосил бўлади.



Қаттиқ қоракуя

Чанг қоракуя, ўсимликлар бошоқлари ва роваклари ўрнига қорамтир чанг массалари ривожланишига сабабчи бўлади.

Бу касаллик уруғ дориланмасдан ёки сифатсиз дориланиб экилганда ҳосил 30-35% гача нобуд бўлиши мумкин.



Чанг қоракуя

Сарик ва кўнғир занг

- Сарик занг– дон тўлиш фазасида учраганда, 5-10% дан 30-35% гача ҳосилни нобуд қилади. Касаллик манбаи ёввойи ҳолда ўсадиган бошоқли ўтлардир.
- Кўнғир занг Касаллик белгилари: баргларда думалок сарғиш-кўнғир, чангли уредино пустиулалар ҳосил бўлади.



Сарик занг



Кўнғир занг

Кураш чоралари

- Алмашлаб экиш; ерни чуқур ҳайдаш; дала четларидаги бегона ўтларни йўқотиш; баҳорги ва кузги ғалла экинларини майдонларини жуда яқин жойлаштирмаслик; касалликка чидамли навларини экиш.
- Касаллик кучли тарўқалиши хавфи бўлса, уншудринг, сариқ занг ва септориозга қарши Давлат кимё комиссиясида рухсат этилган фунгицидлардан бирини пуркаш лозим.
- Ўсимликни чидамлилигини ошириш мақсадида азот, фосфор ва калий ўғитларини эритмасини сепиш.

Бегона ўтлар

- Бегона ўтлар ғалла ҳосилдорлигини 3-5 центнерини нобуд қилади. Улар тупроқдаги намлик ва берилган ўғитлар билан озиқланиб ғаллани ривожланишига тўсик бўлади.
- Ғаллазорларда бир йиллик бегона ўтлардан: шўра, ола-бута, ёввойи сабзи, жағ-жағ, ёпишқоқ ўт, курмак, ачамбити, такасоқол ва бошқалар: кўп йилликлардан: бўзтикан, аччиқмия, қамиш, қўйпечак ва бошқалар кўпроқ учрайди. Айрим худудларда 1 кв.м ғаллазорларда ўртача 60-75 та ва ундан кўп бир йиллик ва кўп йиллик бегона ўтларнинг уруғлари учратиш мумкин.
- Ғаллазорлардаги бегона ўтларга қарши Давлат кимё комиссияси томонидан рухсат этилган гербицидларни сепиш тавсия этилади.

**Ғалладаги бегона ўтлар, касалликлар ва зараркунандаларга
қарши кураш учун тавсия этилган кимёвий
препаратлар**

№	Препарат номи	Сарф миқдори кг, л/га	Зарарли организм	Ишлов муддати
ГЕРБИЦИДЛАР				
1	Биостар, 75% с.э.ғ.	10-20 грамм	Бир йиллик 2 паллали бегона ўтлар	Буғдойнинг тупланиш фазасида пуркалади
2	Гранстар, 75% с.э.ғ.	10-20 грамм	- /-/-	Буғдойнинг тупланиш фазасида пуркалади
3	Атлантис, 3.6% с.э.ғ.	0.25-0.3 қ био пауэр 1.0	Бир йиллик 2 паллали ва бошоқли бегона ўтлар (ёв.сули)	Буғдойнинг тупланиш фазасида пуркалади
4	Далзлак, 7,5% с.м.э.	0.7	Бир йиллик бошоқли бегона ўтлар	Буғдойнинг тупланиш фазасида
5	Нокдаун Макс, 74.8% н.кук.	2.0-3.0	Барча бир йиллик ва кўп йиллик бошоқли ҳамда икки паллали бегона ўтлар	Ғалла экиш учун режалаштирилган далалар

№	Препарат номи	Сарф миқдори кг, л/га	Зарарли организм	Ишлов муддати
ФУНГИЦИДЛАР				
1	Альто супер, 33% эм.к.	0.3	Ун шудринг, занг, доғланиш	Ўсув даврида
2	Титул, 300 г/л эм.к	0.26	Сариқ ва қўнғир занг, доғланиш, ун шудринг	Ўсув даврида
3	Рекс Дуо, 49.5% сус.к.	0.4-0.6	Септориоз, қўнғир занг, ун шудринг	Ўсув даврида
4	Фоликур БТ 22.5% эм.к.	0.3-0.5	Ун шудринг, доғланишлар, занг	Ўсув даврида
ИНСЕКТО-АКАРИЦИДЛАР				
1	Каратэ, 5 эм.к.	0.15	Хасва, шилимшиққурт, ширалар	Ўсув даврида
2	БИ-58 (янги), 40% эм.к	1.5	Барча ғалла зараркунандалари	Ўсув даврида
3	Децис, 2.5% эм.к.	0.25	Барча ғалла зараркунандалари	Ўсув даврида
4	Кинмикс, 5% эм.к.	0.2	Хасва, шилимшиққурт	Ўсув даврида
5	Суми альфа 5% эм.к.	0.2-0.25	Хасва, шилимшиққурт	Ўсув даврида

**Тавсиянома «Фермер хўжаликлари даласида
сувнинг маҳсулдорлигини ошириш»
лойиҳаси М. Мирзалиев, И. Ганиев, Х. Умаров
ва К. Кобулов томонидан тайёрланган.**